O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 28-fevral № 26 (3063) seshanba

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

«МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, 2012 йил Ўзбекистон Республикасида «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 13 декабрдаги Ф-3760-сон фармойиши билан тузилган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ҳамда ноҳукумат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ишлаб чиқилган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш;

ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш;

жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, Мустаҳкам оила йили мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам бериш;

оила, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш;

«Соғлом она — соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;

жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш;

жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш.

2. Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) зиммасига «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг амалга оширилишини ташкиллаштириш ва мониторинг қилиш вазифалари юклатилсин.

Республика комиссияси:

икки ҳафта муддатда, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг устувор йўналишлари ва тадбирларидан келиб чиққан ҳолда, республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари томонидан ҳар бир идора, вилоят, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича «Мустаҳкам оила йили»нинг ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига киритилган тадбирларни тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажариш бўйича республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари даражасида ишлар аниқ-пухта мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастур амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги материалларни йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқсин;

ҳар чорак якунлари бўйича «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ахборот бериб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманларда (шаҳарларда) «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари бошчилигида ҳудудий комиссиялар тузилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар тегишли ҳудудларда оғишмай ва тўлиқ ҳажмларда амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарликни юклансин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари:

аҳоли, айниқса, ёш оилалар ўртасида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини, давлат томонидан оилаларни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича унда белгиланган чора-тадбирларни мунтазам ва кенг кўламда тушунтириб борилишини;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга қўшган аниқ ҳиссасини акс эттирган ҳолда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши тўғрисида кенг жамоатчилик доимо хабардор қилиб турилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 27 феврал

Ғолиблар аниқланди

Юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабга кўра бу борадаги ишларнинг кўлами тобора кенгаяётир. Таъкидлаш жоизки, милиция таянч пункти инфратузилмаси ривожланиб бораётгани жойларда вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, фуқароларни иш билан таъминлаш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашда муҳим аҳамият касб этаяпти.

Ҳозирда республикамизда 3558 та милиция таянч пункти мавжуд бўлиб, ушбу масканлар атрофида қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган темирчилик, дурадгорлик цехлари, рўзғор буюмларини созлаш, автомобилларни таъмирлаш устахоналари ташкил этилган. Бу, биринчидан, аҳоли учун қулайликлар яратса, бошқа томондан, кўплаб иш ўринлари очилиб, ёшларнинг касб-ҳунар эгаллашини таъминламоқда.

Ёшларни соғлом ва ақлан етук этиб камол топтириш ҳам диққат марказида бўлиб, айни пайтда милиция таянч пунктларининг 85 фоизида спорт майдончалари фаолият кўрсатаётир. Бундан ташқари, уларнинг 75 фоизида турли ҳунармандчилик тўгаракларини ишлаб турибди.

Профилактика инспекторларининг соҳавий хизматлар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда ишлаши ижобий натижа бермоқда. Ўтган йили мамлакатимиздаги 2251 та қишлоқ ва маҳаллаларда бирорта ҳам жиноят содир этилмагани ана шу ҳамкорликнинг мевасидир.

Президентимиз ташаббуси билан 2002 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танлови милиция таянч пунктларининг нуфузини янада ошириш, фаолиятини такомиллаштириш, профилактика инспекторлари билан кенг жамоатчилик ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Кўрик-танловда асосий эътибор милиция таянч пунктларининг маданий-маърифий, кўргазмали ташвиқот лавҳалари билан жиҳозланганлиги, хизмат хоналарининг етарлилиги, уларнинг атрофида спорт майдончалари ва кичик бизнес шохобчалари мавжудлиги ҳамда ёшларнинг бўш вақти самарали ўтиши ташкил этилганлиги, шунингдек, маҳалла ҳудудида жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳамкорликда олиб борилаётган ишларга қаратилди.

Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида мазкур кўрик-танловнинг 2011 йил натижалари бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоят босқичларида ғолиб бўлган 14 та милиция таянч пункти иштирок этди.

Самарқанд вилояти Пахтачи тумани «Санчиқул» маҳалласидаги 250-милиция таянч пункти, Фарғона вилояти Қува тумани «Акбаробод» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 297-милиция таянч пункти, Навоий вилояти Зарафшон шаҳри «Шахтёр» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 16-милиция таянч пункти, Жиззах шаҳри «Бобур» маҳалласидаги 27-милиция таянч пунктлари биринчи ўринга лойиқ топилди. Ғолибларга «Matiz» автомашиналари топширилди.

Танловда иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган милиция таянч пунктлари ҳам аниқланди. «Энг фаол профилактика инспектори», «Энг фидойи маҳалла раиси», «Энг фаол маҳалла посбони», «Ибратли хотин-қизлар комиссияси раиси», «Адолатли яраштириш комиссияси», «Баркамол авлод етакчиси» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

Сардорбек МЎМИНОВ, ИҲҲҚ ва ЮТБ Оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлими инспектори, лейтенант. С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

Касаба уюшмалари: кеча, бугун, эртага

Яхшидир аччиқ ҳақиқат...

Киши ён-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга теран муносабат билдириб, зарур хулосаларни чиқаришга қодир бўлсагина бўсағада турган кунга сингиб кетиши осон кечади. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг навбатдаги Пленумида ана шу ҳаётбахш руҳ намоён бўлди. Ҳамма нарсага очиқ кўз билан қаралиб, очиқ кўнгил билан муҳокама қилиб олинди. Муҳими, мақтов сўзлардан ҳеч ким талтайиб кетмаганидек, танқидий фикрлардан ҳам ҳеч ким оғринмади. Бошқача айтганда, дўппини ерга қўйиб, ҳар бир масалага жиддий ёндашган ҳолда, келгуси фаолият учун мақбул йўналишлар белгилаб олинди.

ХАЙРЛИ ИШЛАРДА ҒУБОР ЙЎҚ

Пленум илгари кузатилмаган ўзгача кайфият билан бошланди. Бунинг бир неча сабаби бўлиб, бу, аввалambор, ишга янгича ёндашган ҳолда муносабатда бўлиш иштиёқининг кучли эканлиги билан изоҳланса, қолаверса, ушбу анжуман арафасида барча Тошкентдаги Симпозиумлар саройида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференция таассуротлари остида яшаётганлиги билан бевосита боғлиқ эди. Конференция узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланганлиги билан ҳам бағоят катта аҳамият касб этади. Шунингдек, ёшларга таълим бериш, фан ютуқларидан баҳраманд этиш, миллий ва умуминсоний маданий бойликларни сингдиришга қаратилган фаолият эгаларини ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояланишни ўз зиммасига олган кишиларда ифтихор туйғуларини жўш урдирибгина қолмай, янада масъулиятли бўлишга ундаши табиий бир ҳол эди.

Айнан шунинг учун ҳам Марказий кенгаш раиси Равшан Бедилов мазкур мажлис кун тартибига қўйилган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V, Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси I Қурултойлари, Федерация кенгашининг IV Мажлиси қарорларини ҳаётга татбиқ этишда тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларини кучайтириш тўғрисидаги масала Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар доирасида амалга оширилишига қаратилганлигини таъкидлар экан, бунинг учун барча шарт-шароит мавжудлигига эътиборни қаратди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Марказий кенгаш Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, шунингдек, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази билан таълим муассасалари педагог ходимлари, профессор ўқитувчилари, талаба-ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси, уларнинг меҳнат, таҳсил олиш шароитлари муқобиллиги ва хавфсизлиги, соғломлаштирилиши масалаларини қамраб олган тармоқ Келишувларини имзолаган. Республика миқёсида 4 та, вилоятлар бўйича 28 та, туман, шаҳарлар миқёсида 195 та ва Фанлар академияси билан 1 та тармоқ келишувлари амал қилмоқда. Тармоқ касаба уюшмаси тармоғига 13,9 минг сўм сарфланган бўлса, 2010 йилда бу рақам 255 минг 563 сўмни ташкил этди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, тармоқ келишувлари Марказий кенгаш томонидан вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда тубдан қайта таҳлил қилиниб, янги сифат даражасига кўтариш устида изланишлар олиб борилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Маърузада, албатта, ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар, фаолиятнинг имкон қадар янада кенг кўлам касб этиши йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар тилга олинди. Ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир, шунингдек, меҳнат шартномаларини тузиш ва унга ўзгаришлар киритиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш, меҳнат дафтарчасини юритиш, таътиллар бериш, интизомий жазо қўллаш, қонун бузилиш ҳолатлари бўйича камчиликларни жойида бартараф этиш юзасидан қилинган ишлар бир-бир санаб ўтилди. Хусусан, 2011 йил давомида Марказий кенгашга таълим, фан ва маданият муассасалари ходимларидан 1808 та ёзма ва оғзаки мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг барчаси белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, ўз ечимини топганлиги, 1660 та ариза қаноатлантирилганлиги эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда).

Давра суҳбати

Меҳнат муносабатлари ва ижтимоий шериклик

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Меҳнат муносабатлари ва ижтимоий шериклик» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда 2011 йилда амалга оширилган ишлар, 2012 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама этилди.

Давра суҳбатида «Аҳолини иш билан таъминлаш, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазаси масалаларида ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш йўллари», «Бюджет ташкилотларида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш ишларини молиялаштириш масалалари», «Банк тизими олдида турган вазифалар» каби кўплаб масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Вилоят ҳокимлигининг Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Б.Ортиқов, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ч.Тожиев иштирокчиларнинг саволларига жавоб беришди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Ижтимоий суғурта бўлими мудири Нигора Эшонхонова, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А.Аҳмедов сўзга чиқиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ечими юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилишни янада кучайтириш бўйича қилиниши лозим бўлган ишларга эътиборни қаратдилар.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган давра суҳбатини кенгаш раиси Эсон Ражабов очиб, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланган йўналишлар бўйича вилоятда ҳам аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани ва амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шермат Ражабов аҳолини иш билан таъминлаш, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазаси масалаларига алоҳида тўхталиб, ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш йўллари хусусида фикр юритди.

Давра суҳбатининг савол-жавоб қисми, айниқса, қизғин руҳда ўтди. Вилоят ҳокимлиги, прокуратура, хотин-қизлар қўмитаси, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят бирлашмаси, Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси, молия, соғлиқни сақлаш, адлия, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси фондининг вилоят бўлими, Омбудсманнинг минтақавий вакиллиги ходимлари касаба уюшма фаолларининг саволларига жавоб қайтаришди.

Иштирокчилар учрашув сермазмун ўтганини таъкидлаб, ҳар чоракда бундай мулоқотни йўлга қўйишга келишиб олишди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Ижтимоий суғурта бўлими мудири Нигора Эшонхонова иштирок этди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ishonch
2012-yil 28-fevral № 26 (3063)

Яхшидир аччиқ ҳақиқат...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Саломатлигини тиклашга эҳтиёж сезаётган педагог ва илмий ходимларга тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар бериш чора-тадбирлари қўлланмоқда. Шунингдек, қисқа муддатли ҳордиқ ва профилактик даволаниш ишлари ташкил қилинмоқда, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари қошидаги санаторийларга даволаниш учун йўлланмалар бериш йўлга қўйилганлиги ҳам эътиборга лойиқ. Ёзги мавсумда шаҳардан ташқари оромгоҳларда 28780 нафар бола дам олдирилди. Бу режага нисбатан 101 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, мактаб ва коллежлар қошидаги кундузги оромгоҳларда 73660 нафар бола соғломлаштирилди...

ГАПНИ ГАПИР УҚҚАНГА...

Мажлисда маъруза юзасидан сўзга чиққанларни шошириб қўядиган бир ҳолат юзага келди. Ишчи ҳайъатидан иложи борича олдиндан тайёрланган матндан камроқ фойдаланиб, бўладиган ишлар бўйича аниқ-равшан ва лўнда фикрларга эътиборни қаратиш таклифи тушгач, танқид ва ўз-ўзини танқид устуворлик қилиб, асосан мавжуд камчилик-нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида гапирилди.

Албатта, бу бежиз эмас эди. Фаолиятга танқидий нуқтаи назардан ёндашилганини шундан ҳам англаш мумкинки, деярли эътироз билдирилмаган соҳа қолмади.

— Яқинда ҳудудий кенгашлар ва уларнинг тасарруфидаги ташкилотларда 2012 йил иш режаларининг тузилиши таҳлил қилинди, — деди маърузачи жумладан. — Бунинг учун тизимдаги 5 та вилоят кенгашлари ва улар тасарруфидаги 6 та шаҳар, 15 та туман ҳамда 2 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган вилоят, туман, шаҳар ташкилотларининг бирон-таси иш режасида ўз аксини топмаган.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш аҳволини ўрганиш масаласи Наманган, Тошкент вилояти туман, шаҳар ташкилотлари иш режасидагина мавжуд бўлиб, бошқа вилоят, туман, шаҳар ташкилотлари иш режасида фаолиятнинг асосий кўрсаткичини белгилаб берадиган бу муҳим масала четлаб ўтилган.

Ижтимоий суғурта маблағларининг сарфланиши ва йўлланмалардан оқилона фойдаланиш масаласи фақат Бухоро вилоят кенгаши иш режасидагина белгиланганини қандай изоҳлаш мумкин?

Самарқанд вилоят кенгашида жамоа шартномалари Федерация кенгаши Раёсат қарори билан тасдиқланган «Жамоа келишувлари лойиҳаларини экспертиза қилиш тўғрисидаги Низом»га зид равишда тузилишига йўл қўйилган. Экспертиза сифати Низом талабларига жавоб бермайди. Вилоят кенгашида жамоа келишувини тузишга жойлардан тақлифлар олинмаган.

Сирдарё вилоят кенгаши раёсатида қабул қилинган қарорларни тизимли равишда назорат қилиш йўлга қўйилмаган. Иш режаси Марказий кенгаш иш режасидан кўчириб олинган.

Буни қарангки, Учқўприк туманидаги 93 та ташкилотда жамоа шартномалари бир хил тузилган...

Одатда биз журналистлар ютуқлар ҳақида гап кетганда, уларни бир маромда санашдан чарчабми ёки эринибми, ёхуд ўқувчини зериктириб қўймаслик важиданми, хулосани мухтасар қилиб қўяқоламиз: бу ҳақда узоқ гапириш мумкин, қабилида. Аммо гап камчилик-нуқсонлар ҳақида кетганда-чи?

Албатта, танқидий фикрлар, бизнинг назаримизда, ҳеч кимни абгор қилиб қўймаслиги керак. Аксинча, ишнинг яхшиланишига хизмат қилиши, агар таъбир жоиз бўлса, юки оғирлик қилаётган араванинг ботқоқдан чиқиб олишига кўмаклашиши даркор. Эътиборли жиҳати, Пленум асноси аксарият ана шу қоидага амал қилишга астойдил чоғлангани кўзга ташланди. Масалан, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят кенгаши раиси Я.Рустамов маърузада қайд этилган камчиликларнинг муайян қисми ижобий ҳал этилганлигини ва бу йўналишда иш давом эттирилаётганлигини таъкидлади...

ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Пленум қатнашчилари Марказий кенгаш Доимий комиссиялари Низомини ва таркибини тасдиқлаш, Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси I Таъсис қурултойидан Марказий кенгаш III Пленумигача бўлган давр оралиғида амалга оширилган ишлар, Тармоқ касаба уюшма ташкилотлари бюджетининг 2012 йил параметрлари тўғрисидаги масалалар хусусида фикрлашиб олдилар.

Пленумда, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг 2012 йил 26 январдаги 5-1-сонли қарорининг 7-бандига асосан, 2011 йилда касаба уюшмаларини оптималлаштириш бўйича амалга оширилган ишларни инобатга олиб ҳамда янги «Касаба уюшмалари картаси» тасдиқланганидан келиб чиққан ҳолда тармоқ касаба уюшмаси тизимини такомиллаштириш зарурати туғилганлиги таъкидлаб ўтилди. Унга кўра туман, шаҳар бирлашган қўмиталарини туман, шаҳар кенгашларига айлантириш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмиталари фаолиятини тўхтатиш ва уларнинг касаба уюшма хизматида бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари касаба уюшма ташкилотларини тегишли туман, шаҳар кенгашлари касаба уюшма хизматига ўтказиш кўзда тутилган. Сабаби ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмиталари томонидан бошланғич ташкилотларга амалий-услубий ёрдам беришда бир талай муаммолар юзага келганлиги, хусусан, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўртасидаги масофанинг йироқлиги ҳамда юқорида тилга олинган ўқув муассасалари кўп бўлгани ҳолда бирлашган касаба уюшма қўмитаси имкониятлари чекланганлиги ишнинг самарадорлигига салбий таъсир этаётганлигидир.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари касаба уюшма ташкилотлари тегишли туман, шаҳар кенгашлари касаба уюшма хизматига ўтказилса, мавжуд муаммоларга барҳам берилиб, мазкур йўналишдаги ишларни давр талабларига мос тарзда жонлантириш имконияти туғилади.

Марказий кенгаш ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиб, «Касаба уюшмаси тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорни ижро этиш тартибини тасдиқлади.

Кўрилган барча масалалар юзасидан Пленум қарори қабул қилинди ва унга кўра, барча бўғин касаба уюшма ташкилотларига белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун касаба уюшма органларини юксак салоҳият эгалари билан таъминлашга қодир кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бошқариш маданиятини пухта эгаллаган, фаолият мобайнида мулоқотга киришиш, ишонтира билиш, музокаралар олиб бориш, жамоа аъзоларига ўз фикрини асослаб бера оладиган малакали мутахассислар ҳамда янги касаба уюшма фаолларини излаб топиш ва тавсия этиш, уларни иқтисодиётни ислоҳ қилиш шароитида излаш учун тайёрлашнинг самарали шаклларини татбиқ этиш вазифаси юклатилди.

Мақолага шу ўринда нуқта қўйса ҳам бўларди. Аммо мажлис иштирокчиларига қарата айтилган мана шу сўзларсиз у чаладек туюлди.

— Бугун танқид ва ўз-ўзини танқидга жуда катта урғу берилди, — деди Марказий кенгаш раис ўринбосари Рустам Қосимов. — Эртани ўйлаб, фаолиятни янада жонлантириш, ишни тубдан яхшилаш учун шундай йўл тутилди.

Зайниддин РИХСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида

Мустақиллик йилларида ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати тизимини такомиллаштириш борасида талай ишлар амалга оширилди. Иқтисодиётни либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар эса корхоналарни хусусийлаштириш имконини яратди.

Натижада хўжалик юритувчи субъектлар сони ортди. Тармоқда йирик корхоналар билан бирга, хусусий мулк шаклидаги кичик бизнес субъектлари пайдо бўлди. Бу ўз навбатида, республикада ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштириш ва тармоқда кўп укладли иқтисодиётни равнақ топтиришга туртки берди.

Ходимлар манфаатини кўзлаб

Корхонамизда 1103 нафар ходим меҳнат қилади. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси мавжуд жамоа шартномаси асосида ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, иш ўринлари хавфсизлигини таъминлаш, ходимларнинг турмуш шароитини ўрганиш ва кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, меҳнат муҳофазаси каби бир қатор йўналишларда баҳамжиҳат ишлаётганлиги фаолиятимизнинг янада самарали бўлишини таъминлайди.

Ўтган йили корхонада 10,310 тн. пахта ёғи, 13,611 тн. маргарин, 6 тн. майонез ҳамда 18,761 тн. саломас ишлаб чиқарилди, шунингдек, чорва учун 20,995 тн. шелуха ва 30,152 тн. шрот етказиб берилди. Ҳаммаси бўлиб 50 миллиард 117 млн. сўмлик маҳсулот ўз харидорларини топди.

Даромадга қараб буромад деганларидек, ишлаб топилган маблағнинг бир қисми ходимлар ва уларнинг оила аъзолари манфаати учун сарф қилинмоқда. Чунончи, янги йил муносабати билан маъмурият, касаба уюшма қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти ҳамда фаоллар иштирокида байрам тадбири ташкил этилди. Унга пойтахт маҳаллаларида яшовчи кўп болали, кам таъминланган, муҳтож оилалар фарзандлари ҳамда «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларидан жами 630 нафар бола таклиф этилди.

Ҳар бир болага 49200 сўмлик совға тарқатилди. Шаҳардаги турли маданият масканларида ўтказилаётган байрам томошаларида иштирок этиш учун ходимларимизнинг 3 ёшдан 13 ёшгача бўлган фарзандларига касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 4 млн. 609 минг сўмлик 1062 та тақлифнома улашилди.

Шунингдек, Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Тошкент шаҳар болалар спортини ривожлантириш жамғармаси филиали, Ҳамза туманидаги «Янги Давр» маҳалласи, 5-шаҳар клиник касалхонаси, Учтепа туманидаги «Меҳр нури» номли 431-ихтисослаштирилган мактаби, «Навбаҳор» футбол клуби каби ўнлаб ташкилот ва муассасаларга хайрия ёрдамлари ажратилди. Бунинг учун 1 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Жамоа шартномаси талабларини бажариш, аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини шу асосда ҳимоялаш бундан буён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолаверади.

М.ЗУФАРОВ,
«Тошкент ёғ-мой комбинати» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси

Маънавият – жамият ойнаси

Касаба уюшмалари маданият муассасалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш, ахборот алмашиш, кутубхоначилик соҳасидаги зарур ахборотларга эга бўлиш ва долзарб вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Шу мақсадда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотларга қарашли 19 та кутубхона мудир ва мутахассислари, 4 та маданият саройи мудири ҳамда касаба уюшма қўмиталари раислари, тармоқ касаба уюшма шаҳар ташкилотларининг маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланувчи масъул ходимлари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари иштирокида ўқув-семинар ташкил этилди.

Иштирокчилар кутубхона фаолияти билан яқиндан танишиб, «Маърифат маркази» биносининг бунёд этилиши ҳақида ҳикоя қилувчи видеофилмни томоша қилишди.

Тадбирда Миллий кутубхона директори, социология фанлари доктори Абдусалом Умаров Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида сўзлади. Шундан сўнг «Кутубхоначилик соҳасидаги ислоҳотлар: муаммо ва ечимлар» мавзуида илмий методика ва тадқиқот бўлими мудири Ободбой Қиличбоев маъруза қилди.

Тадбир қизғин савол-жавобларга бой бўлди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Кун тартибида хотин-қизлар масаласи

Ҳам назарий, ҳам амалий

Касаба уюшмалари фаолиятини мустаҳкамлашда хотин-қизлар алоҳида ўрин тутмоқда. Республика бўйича касаба уюшмалари вилоят кенгашлари раисларининг 27,3, туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмита раисларининг 20,8, бошланғич ташкилотлар раисларининг 48,9 фоизини аёллар ташкил этади.

Федерация кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан жойларда тузилган комиссияларга услубий, амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, кўплаб ўқув-семинарлар, семинар-кенгашлар, давра суҳбатлари, маданий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда.

22-24 феврал кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация кенгаши қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ва ўқув-семинари ҳам шулар жумласидандир. Унда касаба уюшмалари Федерация кенгаши ҳамда Марказий кенгашлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотлари бирлашмалари кенгаши қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аъзолари иштирок этди.

22 феврал куни ЎзКУФК Ўқув марказида бўлиб ўтган йиғилишда Федерация кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси, комиссия раисининг ўринбосари Эътиборхон Раҳмонова Республика касаба уюшма ташкилотлари қошида ташкил этилган хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари томонидан аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, улар ўртасида маънавий тарғибот ишларини йўлга қўйиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

— Касаба уюшмалари қошида ташкил этилган хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1 та республика, 14 та ҳудудий ва 102 та вилоят кенгашларида комиссиялар ташкил этилди, — деди Э. Раҳмонова. — Федерация кенгаши комиссияси томонидан жойлардаги комиссияларга мунтазам равишда услубий, амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Ушбу мақсадда ўқув-семинар, семинар-кенгаш ва бошқа турли тадбирлар ўтказилиб, «Касаба уюшма ташкилотларининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари иш фаолиятида фойдаланиш учун тавсиялар» қўлланмаси ҳудудларга етказилди.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 2011 йилда 1213 корхонада 2345 нафар аёлга бериладиган ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ ҳақ тўланадиган таътиллар куни узайтирилди. 2605 корхонада 6816 нафар фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган аёлга 1612,3 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, йиғилишда Федерация кенгаши қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан 2011 йилда амалга оширилган ишлар ҳисоботи ва 2012 йилга белгиланган устувор вазифалар тўғрисидаги маъруза тингланди.

Йиғилишда айрим тармоқ касаба уюшмалари ҳудудий кенгашларида хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятига эътибор қаратилмаётгани таъкидланиб, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах вилоят кенгашларида, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Андижон, Сирдарё вилоят, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят кенгашларида хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари тузилмагани айтиб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева қатнашиб, касаба уюшма ташкилотларининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини жонлантириш, айниқса, ҳимояталаб, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, оила ва жамиятдаги мавқеини оширишдаги ролини кучайтиришга даъват этди. Шунингдек, жойларда давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, касаба уюшмаларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибида хотин-қизлар салмоғини ошириш, жамоа шартномаларига уларнинг меҳнат муҳофазаси, дам олишини ташкиллаштириш, соғломлаштириш ва спорт билан шуғулланишга оид бандларни киритиш ва бажарилишини назорат қилиш, қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, жамоа келишувлари ва шартномалари асосида хотин-қизларга берилган кафолат ва имтиёзларнинг амалдаги ижросини назорат қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида барпо этилаётган янги иш ўринларида меҳнат қилаётган аёлларнинг ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ҳарбий касаба уюшмалари томонидан қўллаб-қувватлаш борасида комиссия олдида турган долзарб вазифаларга эътибор қаратилди. Бундан ташқари, Меҳнат Кодексининг «Аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар» бўлимида белгиланган бандларга риоя этилишини назоратга олиш, уйда ўтириб қолган аёлларни иш билан таъминлаш, хусусан, касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратишда касаба уюшмаларининг иштирокини таъминлаш, аёлларнинг норасмий бандлигини чеклаш бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш, хотин-қизлар орасида турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, оилада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оила муқаддаслиги борасида тушунтириш ишлари олиб боришда касаба уюшма ташкилотлари ҳудудий бирлашмалари кенгашларининг юридик бўлимлари мутахассислари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш масалалари ҳам долзарб эканлиги эътироф этилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Кунниинг иккинчи ярмида Федерация кенгаши қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ўқув-семинари ўз ишини бошлади. Ўқув-семинарни комиссия раиси М.Халилова очди. «Оила» илмий-амалий маркази ижрочи директори вазифасини бажарувчи Ҳ.Мамадалиеванинг «Оила давлат ҳимоясида», Федерация кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири М. Исаевнинг «Жамоа шартномалари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, бунда Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг роли» мавзуидаги маърузалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Шундан сўнг қизғин давра суҳбати ташкил этилди.

Эртаси куни ўқув-семинар иштирокчилари Федерация кенгашининг Даволаш диагностика профилактика марказида тиббий кўрикдан ўтишди.

Ўқув-семинар қатнашчилари Тошкент шаҳридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси касаба уюшмасининг аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамоа шартномаларида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги намунали фаолияти билан танишдилар.

Миллий академик драма театрида намойиш этилган «Тақдир синовлари» спектакли эса ҳаёт фақат қувончлардан иборат эмаслигини, сурғурли онлар, курашлар ҳосиласи эканлигини яна бир карра эслатгандек бўлди.

Ўз мухбиримиз

Тадбир

«Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг Тошкент филиалида ўз шохобча йўлларига эга бўлган вазирлик ва идораларнинг корхоналари билан яқин алоқада бўлиб, уларга поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ҳар томонлама кўмак бериб келинаётир.

Сергакликка ундади

Яқинда Тошкент филиали ҳудудидаги ўз шохобча йўлларига эга «Файзли турмуш», «Атлас фарм», «Милен», «Сиб-Акбар» ОАЖлари, «Алутех» МЧЖ сингари 30 дан ошиқ микрофирма ва кичик корхона раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Тадбирда йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши мажлисининг 3-сон баёни билан атрофлича таништирилди ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шунингдек, ўзларининг шохобча темир йўллари бўлган корхоналар йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ўтказилган профилактик ишлар якунлари ва бу борада юритилаётган техник ҳужжатлаштириш масалалари батафсил кўриб чиқилди. Филиал раҳбари томонидан ўтган йилдаги шохобча темир йўллардаги ҳаракат хавфсизлигининг бузилиш ҳоллари кескин танқид қилинди.

Иштирокчилар «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК йўлларидаги ҳаракат хавфсизлигига тегишли аҳвол билан таништирилди.

Йиғилишда Президентимизнинг қарори билан ўтган йилнинг сентябр ойидан бошлаб Тошкент — Самарқанд йўналишида Испаниядан келтирилган «Afrosiyob» тезюрар поезди қатнаётгани ва бу ҳам йўлларда янада ҳушёрлик талабларига сўзсиз бўйсунишни тақозо этиши таъкидланди.

Хусниддин ОТАХЎЖАЕВ,
«Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси Тошкент филиали бошлиғи

Ishonch
2012-yil 28-fevral № 26 (3063)

Ўзбекистон — мутахассислар мамлакати

Мустақиллик шарофати билан таълим соҳасида бутунлай янги давлат сиёсати ишлаб чиқилди ва унга миллий анъаналар ҳамда халқаро амалиёт асос қилиб олинди. Соҳани ислоҳ қилишга қаратилган тадбирлар ичида таълим тизимининг ишлаб чиқариш билан интеграциясини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани, айниқса, таҳсинга лойиқдир. Хусусан, муайян корхона ва иш берувчиларни турдош коллежларга бириктириш тажрибаси, доимий амал қиладиган корхона-коллеж ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги ишлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани самараси ҳозирданоқ кўзга ташланмоқда.

Самарали ҳамкорлик

Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи 1998 йилда собиқ 33-ҳунар-техника билим юрти негизида ташкил этилган бўлиб, у республикада авиация йўналиши бўйича кичик мутахассислар тайёрлайдиган ягона ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маскани ҳисобланади.

Коллежда 9-синф негизида ҳаво кемалари ва авиадвигателларга техник хизмат кўрсатиш, ҳаво кемалари асбоблари, радио ва электр жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш, учиш аппаратлари ва авиадвигателларни таъмирлаш, пайванд конструкциялари ишлаб чиқариш, металларга ишлов бериш, компютер ҳамда компютер тармоқларини созлаш ва ишлатиш, электр жиҳозлари ва тармоқларини монтаж қилиш ва хизмат кўрсатиш каби тайёрлов йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Ҳозирги кунда коллежда 1498 ўқувчи таҳсил олаётган бўлиб, уларга 95 нафар ўқитувчи ва муҳандис педагог дарс бермоқда. Ўқув хоналари, лабораториялар ва устахоналаримиз зарур ускуналар, металларга ишлов бериш дастгоҳлари, электр газ пайвандлаш ускуналари билан жиҳозланган. Ахборот-ресурс марказида эса 104 мингдан ортиқ ўқув ва бошқа адабиётлар мавжуд. У, шунингдек, офис жиҳозлари ва интернет тизимига уланган компютерларга эга. Буларнинг ҳаммаси таълимнинг сифат даражасини янада ошириш ва халқаро андозалар даражасида малака ҳосил қилишга имкон бермоқда.

Кадрларни мақсадли тайёрлаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлиги ҳамда коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида бир қанча корхоналар билан олиб борилган музокаралар натижасида кадрларни тайёрлаш бўйича узоқ йилларга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланди. «Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» миллий авиакомпанияси, Тошкент труба заводи қўшма корхонаси, «Узэлектроаппарат-Электрошит» қўшма корхонаси, «Сувмаш» очиқ акционерлик жамияти, «Ўзпахтамаш» очиқ акционерлик жамияти, «General Motors Power Train Uzbekistan» қўшма корхонаси ёпиқ акционерлик жамияти шулар жумласидандир.

Ўзаро ҳамкорликнинг яққол мисоллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин.

Коллежнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан 3 хил русумдаги ҳаво кемалари тизимлари бўйича электрлашган стендлар, кўплаб кўргазмали қуроллар, плакатлар тақдим этилди. Шунингдек, ушбу авиакомпаниянинг «Uzbekistan Airways Technics» авиакомпанияси, «Махсус авиация ишлари авиакорхонаси» ва минтақавий аэропортларда коллеж ўқувчиларининг ўқув, ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётлари ташкил этиб келинмоқда.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси ташаббуси билан Ил-76 ва Ил-114 самолётларининг тизимлари бўйича электрлашган стендлар, ўқув мебели, материалшунослик бўйича лаборатория жиҳозлари, 152 номдаги метал кесиш асбоб-ускуналари ва керакли миқдорда хом ашё ажратилди.

Коллеж ходимлари ва ўқувчиларга касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда сиҳатгоҳ ва дам олиш масканларига йўлланмалар бериб турилибди.

Тошкент труба заводи билан тузилган ҳамкорлик шартномасига биноан 2010 йилдан бошлаб ўқувчиларни амалиётга юбормоқдамиз. Корхона раҳбарияти томонидан ўқувчиларимизга бўлган яхши муносабат, амалиёт даврида уларнинг махсус иш кийимлари билан таъминланиши, 85-130 минг сўм атрофида ойлик иш ҳақи тўланиши, корхона транспортидан бепул фойдаланиш имкониятлари ўқувчиларни жуда қувонтирмоқда.

Кези келганда, коллежимизда икки тарафлама касбий тайёргарлик услуби кенг қўлланилаётганини таъкидлашни истардим. Яъни, ўқитиш икки жойда: назарий ва бошланғич амалий таълим коллежда, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти машғулотлари эса корхонанинг ўзида ўтади. Бу усулга Германиянинг Дуал тизимидаги таълим шаклининг баъзи тарафлари асос қилиб олинган.

Ўқувчиларимиз коллежда маълум назарий ва бошланғич амалий тайёргарликдан ўтганларидан сўнг, икки томонлама касбий тайёргарлик тартибида ўз малакаларини ошириб боради. Яъни, коллеждаги назарий ва корхоналардаги (Авиация заводидаги) амалий машғулотлар кунлари ўзаро тасдиқланган жадвал асосида белгиланади.

Корхона бўйича чиқарилган буйруқда ўқувчиларнинг цехлар ва бўлинмаларга бириктирилиши, амалиёт жараёнида қатнашадиган цех бошлиқлари ва мансабдор шахсларнинг вазифалари, меҳнатга ҳақ тўлаш, техника хавфсизлиги ва бошқа тегишли масалалар ўз ифодасини топган бўлиб, ўқувчиларимиз бириктирилган цех бўйича фармойиш чиқарилиб, ҳар бир ўқувчига юқори малакали ишчи-мутахассислардан мураббий тайинланади. Ўқувчиларимиз цехнинг табел ҳисобига олиниб, корхонада жорий этилган ички меҳнат тартибига тўла риоя қилади. Назарий фанларни ўқитиш режасининг бажарилишига қараб, корхонада ўқувчиларнинг амалиёт соатлари ошиб боради. Охирги 1,5 - 2,5 ой давомида улар мустақил ишлай бошлайди. Амалиёт муддатининг охирида махсус комиссияга амалиётдан битирув малака имтиҳонини топширадилар. Шунингдек, ишлаб чиқариш тафсифномасини оладилар. Таҳлиллар ўқувчиларни бу усулда тайёрлаш уларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларни чуқурроқ эгаллаш, малакасини янада тезроқ оширишга имкон яратишини тасдиқлади.

Бу йил коллежимизни 470 нафар йигит-қиз тамомлайди. Уларнинг қаерда ишлаб чиқариш амалиётлари ўташлари аниқ белгилаб олинган бўлиб, ҳозирги кунда коллеж битирувчилари ва корхоналар билан ишга жойлаштириш бўйича 3 томонлама шартномаларни тузиш ниҳоясига етмоқда.

Бинобарин, ёшларни касбга йўналтириш, ўқувчиларнинг малакасини узлуксиз ошириб бориш ва энг асосийси, уларнинг танлаган мутахассисликлари бўйича бандлигини таъминлаш орқали жамиятимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги таъминланишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Қобил ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи директори

/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/

Матбуот анжумани

Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида 2012 йил 23-27 октябр кунлари кураш бўйича ёшлар ва кадетлар ўртасида VII жаҳон чемпионати бўлиб ўтиши муносабати билан матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) вакиллари, спорт жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Белида белбоғи борлар

Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерациялари таркибига бирлашган юздан ортиқ давлатда мазкур яккакураш тури бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юксак савияда уюштирилмоқда. Бу мусобақаларда турли мамлакатлардан юзлаб полвонлар ғолиблик учун даврага чиқмоқда. «Кураш», «таъзим», «тўхта», «ёнбош», «чала», «дакки», «ҳалол» каби ўзбекча сўзларнинг турли миллатга мансуб ҳакамлар тилидан янграши, хорижлик полвонларнинг миллий курашимиз усулларини қўллаб, бел олиши кишини гурурлантириши табиий.

Маълумки, бугунга келиб Осиё Кураш Конфедерациясига 31 та давлат аъзо бўлиб, куни кеча Кураш халқаро ассоциациясига қитъанинг яна уч давлати — Сингапур, Малайзия ҳамда Индонезиядан ўз мамлакатларида кураш федерацияларни ташкил этишга рухсат берилиши юзасидан расмий сўровнома келиб тушган.

— Бу масалада якуний хулосага КХА конгрессида келинади, — деди Кураш халқаро ассоциацияси бош котиби Умид Ёқубов. — Яқинда бир гуруҳ мутахассисларимиз Индонезия давлатида бўлиб, у ердаги шароитлар билан яқиндан танишиб қайтди. Ҳозирда тўпланган маълумотлар атрофлича ўрганилмоқда.

— Индонезияда курашга бўлган қизиқишни кўриб, қалбим фахрга тўлди. Делегациямиз аъзоларини ҳамма жойда кўтаринки кайфиятда, очиқ чеҳра билан қарши олишди. Спорт иншоотига йиғилган ёшларга кураш усулларини, унинг ўзига хос жозибасини намойиш этганимиздан сўнг, улар кейинги машғулотга ота-оналари, ака-сингиллари билан келишди. Агар Индонезияда мана шундай маҳорат сабоқлари келгусида ҳам ташкил этиб борилса, яқин келажакда бу юртдан ҳам номдор полвонлар етишиб чиқади, — деди Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Баҳодир Бердиқулов.

Кураш бўйича ёшлар ва кадетлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этиш истагини билдираётган давлатлар ва полвонлар сони тобора кўпаймоқда. Кураш халқаро ассоциациясидан маълум қилишларича, бу йилги мусобақада Европа, Осиё, Океания, Панамерика ва Африка минтақаларидаги элликдан зиёд мамлакатнинг иқтидорли ёш полвонлари қатнашиши кутилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

Дзюдо

Чехиянинг Прага шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон кубоги беллашувларида иштирок этган полвонимиз Яҳё Имомов олтин медални қўлга киритди.

Солим Яҳё полвонда!

Турнирда дунёнинг 74 мамлакатидан 392 нафар спортчи етти вазн тоифасида совринли ўринлар ва шу йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун татамига чиқди.

81 кг. вазн тоифасида беллашувларда қатнашган ҳамюртимиз Яҳё Имомов финалгача туркиялик Аҳмет Сари, венгриялик Шаболц Крижан, белгиялик Йоаким Боттеу, мўғулистонлик Тувшинжаргал Ган, грузиялик Леван Циклаурини мағлубиятга учратди.

Финалда яна бир грузиялик полвон Бека Гвиниашвили билан бел олишган Яҳё Имомов рақиб устидан соф ғалабага эришди ҳамда жаҳон кубоги мусобақасининг олтин медали ва олимпия йўлланмаси учун рейтинг очколарига сазовор бўлди.

Кўл жанги

Пойтахтимизда жойлашган «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида қўл жанги бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида иштирок этган уч юз нафарга яқин спортчи иштирок этди.

Халқаро арена сари

Мусобақада ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган тошкентлик Бобур Раҳматов, Равшан Абдулазизов, Шоҳруҳ Рўзиев, Шамсиддин Йўлдошев, Жаҳонгир Мансуров, қашқадарёлик Бобур Қурбонов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ғолиблар жорий йил Белгияда ўтадиган қўл жанги бўйича жаҳон чемпионати ва Болгарияда ташкил этиладиган Европа очиқ чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

11 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида пойтахт вакиллари Ислом Акбаров ва Иброҳим Акбаровга тенг келадигани топилмади. 12-13 ёшли болалар мусобақасида жиззахлик Жасурбек Қувондиқов ва наманганлик Нормурод Мирсаидов биринчи ўрин соҳибига айланишди.

Бадиий гимнастика

Москва шаҳрида бадиий гимнастика бўйича Гран-при мусобақалари ўз якунига етди.

Қизларимиз бўш келмади

Халқаро турнирда иштирок этган терма жамоамиз қизлари жамоавий баҳсларда икки бронза медалини қўлга киритишди.

Тўп, ҳалқа ва лентада бажарилган машқларда ўз маҳоратини намойиш этган қизларимиз биринчи чиқишда 21,775, иккинчи чиқишда эса 23,475 балл тўплаб, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олдилар.

Кўпкураш баҳсларида эса спортчиларимиз 47,050 балл билан яна бир марта учинчи ўринга кўтарилдилар.

3, 2, 1... Олға!

Жиззах шаҳри яқинидаги Наврўзбулоқ трассасида автопойга бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.



Автопойга

Дастлаб иштирокчилар «Багги» русумли спорт автомобилларида ғолиблик учун кураш олиб борди. Пойганинг бу турида Наманган вилояти вакили Олег Куликов маррага биринчи бўлиб етиб келди. Иккинчи ўринни самарқандлик Аслан Сафаров, учинчи ўринни жиззахлик Ғайрат Одилов эгаллади.

«А-7», «А-8» русумли автомобиллар ҳайдовчилари ўртасидаги пойгалар ҳам қизғин курашларга бой бўлди. Беллашувларда олдинги уч ўринни Тошкент шаҳри вакиллари банд этди. «Нексия» русумидаги автомашиналар ҳайдовчилари ўртасидаги баҳсда ҳам тошкентлик Анвар Эргашевнинг қўли баланд келди.

Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида ғолиблик Тошкент шаҳри вакиллари — пойтахтнинг Чилонзор ўқув спорт-техника клуби спотчиларига насиб этди. Иккинчи ўринни Наманган вилояти техник амалий спорт клуби, учинчи ўринни Самарқанд вилоятининг «Самарқанд сервис спорт» клуби жамоаси эгаллади.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма спорти

Хива шаҳрида 20-Меҳрибонлик уйини ташкил этган ва унинг биринчи директори бўлган Хусаин Исмаилов хотирасига бағишланган эркин кураш бўйича турнир ўтказилди. Мусобақада 240 нафар полвон қатнашди.

Хоразмда хотира турнири

Полвонлар пири ҳисобланган Паҳлавон Маҳмуд қадамжосида ташкил этилган ушбу турнирда вазнлар бўйича Мурод Ражапов, Сухрож Собиров, Шоҳруҳ Раҳимбаев, Иззат Ибрагимов, Отабек Қурбанов, Зафар Худайберганов, Ҳасан Раҳимов, Ҳожи Янгибоев, Озод Абдураҳмонов, Маҳмуд Қулметов шоҳсупанинг юқорисидан жой эгаллаб, турнир ғолиби бўлишди.

Мусобақада 20-Меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони В. Пак, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Д. Раҳимов, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хива туман кенгаши раиси Д. Раззақова, фахрий спортчилардан К. Гаппаров, П. Юсупов, И. Адамбаев сўзга чиқиб Хусаин Исмаиловнинг ҳаёт йўли билан боғлиқ кўплаб хотираларни тилга олишди.

Якунда ғолиб ва совриндорларга медал, диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Р. ХЎЖАЕВ,
Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Хива туман кенгаши раиси

/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/спорт/

Солиқ хабарлари

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларга бепул интерактив хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган.

Электрон ҳисобот

Интернет тармоғи орқали жорий этилган интерактив хизматлар тизими ахборот ва маълумот айрибошлашнинг қулай, арзон ва ишончли воситаси бўлиб қолди. Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган юридик шахслардан 80 фоизига электрон рақамли имзо калитлари ва сертификатлар берилди.

Шунингдек, Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси»даги Фармонига асосан жорий йилнинг якунига қадар вилоятда фаолият кўрсатаётган солиқ тўловчиларнинг барчасига электрон рақамли имзо калитлари ва сертификатлар бериш ҳамда улардан ҳисоботларни электрон кўринишда қабул қилиш режалаштирилган.

Узоқ масофада жойлашган, интернет тармоғи ҳамда керакли компютер жиҳозларига эга бўлмаган хўжалик субъектларига шароит яратиш мақсадида 9 та туман (шаҳар) ДСИда ҳисоботларни электрон кўринишда тақдим этиш учун терминаллар ташкил этилди ва солиқ тўловчилар учун доимий равишда семинарлар ўтказилмоқда.

Назиржон ҒАФФОРОВ,
Навоий вилоят давлат солиқ бошқармаси шўъба раҳбари

Кодексда ўзгаришлар

Жорий йилдан эътиборан жисмоний шахслар ўртасида бино, иншоот ёки уларнинг бир қисми, турар жойни ижарага бериш шартномаси мажбурий нотариал тасдиқланиши кераклиги Фуқаролик ва Уй-жой кодексларида белгилаб қўйилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ эса бундай шартномаларнинг мавжуд эмаслиги ёки мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаган фуқароларга нисбатан энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинади.

Шунингдек, Солиқ кодексининг янги таҳририга кўра айрим солиқ ва тўловларни тўлаш муддатлари ўзгарди. Мисол учун, жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар деб белгиланди. Юридик шахслардан олинадиган фойда, мол-мулк, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқлари бўйича жорий тўловларни ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тўланиши талаб этилади.

Шунингдек, товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим бўйича ҳисоб-китоб тақдим этиш жорий этилди. Унга кўра ҳисоб-китоб тадбиркорлик субъектлари томонидан фаолият амалга оширилаётган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

Дониёр УСМОНОВ,
Олмазор тумани ДСИ бўлим бошлиғи

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмасига 2006 йил 7 ноябр куни Тошкент шаҳар статистика бошқармаси томонидан берилган №34272 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинишини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2011 йил 27 декабрдаги ҳал қилув қарорларига асосан тугатилаётган корхоналар рўйхати

№	Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами		ХТУТ (ОКРО)	Хўжалик судининг қарори рақами ва санаси	
1.	«УЗРОСПРОМИНВЕСТ» СП	202684013	10.11.1998	2950	17058860	10-1117/21692	27.12.2011
2.	«MEHR KUMSONG» MCHJ QK	204466242	01.04.2003	830	18726915	10-1117/21690	27.12.2011
3.	«AGROLIFE INVEST» MCHJ QK	300395940	06.04.2007	819	21884351	10-1117/21691	27.12.2011

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек, белгиланган тартибда архивга топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади.

Кредиторлар икки ой мобайнида Тошкент шаҳар Нукус кўчаси 18-уй Миробод туман ҳокимлиги Корхоналарни тугатиш билан доимий ишловчи махсус комиссияга мурожаат қилишлари мумкин.

А.ХОДЖАБАЕВ,
Миробод тумани ДСИ бошлиғи

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгаш бош мутахассиси Бахтиёр Дўстхўжаевга қайнонаси

МАФИРАТ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар маданият муассасалари ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси жамоаси Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи касаба уюшма қўмитаси раиси Тоҳира Алимовага волидаи муҳтарамаси

САРВАРА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Қашқадарё вилоят кенгаши жамоалари Косон «Ёғ-экстракция» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

Султон ЭГАМНАЗАРОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2012-yil 28-fevral № 26 (3063)

Ота-боболаримиз ҳаётий тажрибаси асосида айтган нақллардан бири — Кабиса йилининг совуқ келиши ҳақидаги гап бу йил исботини топди. Ярим асрлаб совуқ кўрмаган, қор ёғмаган ҳудудлар муз билан қопланди. Совуқдан жон таслим қилганлар ҳам бўлди. Аслида, содир бўлаётган ҳар бир ҳодиса бошқаларга ибрат бўлсин учун экан, бундан ҳар ким ўз хулосасини чиқариб олади, албатта. Юртимизда эса совуқ у қадар сезилмади. Бунинг асосий сабабини одамларнинг бир-бирига бўлган меҳр тафтида деб биламиз. Тўғри, ҳалигача ечимини топмай келаётган муаммолар йўқ эмас. Лекин тинчлик, бағрибутунлик, дастурхон тўкинлигининг ўзиёқ бизни такрор шукронага ундайди. Қахратонли кунларда кимдир ота-онаси, яна биров узоқдаги дилбандини давомли йўқлаб, иссиқ-совуғини сўроқлаб, дўстлар бир-бирини дараклаб турди. Мана шу ҳолнинг ўзи ҳар биримизнинг руҳу танимизга кўз илғамас тафт бўлиб сингди. Қиш чекинди ҳисоб. Лекин одамларнинг ўзаро меҳр булоғи қайнаб турибди. Қандай ажойиб элимиз бор.

Бу галги саҳифамизнинг муштараклиги ҳам шундадир.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими муҳаррири



ГАЗЕТА — ГАЗЕТХОН

Бизга жавоб берадилар

«Ishonch» газетасининг 2011 йил 1 декабр кунги 143-144-сонларида чоп этилган Р.Давлатовнинг «Газета, ташкилотчи ва обуна» сарлавҳали мақоласида келтирилган ҳолат жамиятнинг Сурхондарё вилоят филиали масъул ходимлари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Тафовут чиққанди

2011 йил 20 ноябрда филиал томонидан «Матбуот тарқатувчи» АКга тақдим этган 10 кунлик тезкор маълумотларга кўра «Ishonch» газетасига 196 дона, ҳақиқатда 567 дона, «Ishonch-Доверие» газетасига 37 дона, ҳақиқатда 74 дона обуна расмийлаштирилган.

Обуна бўйича маълумот тақдим этган ходим билан тушунтириш ишлари олиб борилди. Келгусида нотўғри маълумот бермаслик тўғрисида вилоят филиалига жамият томонидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Х.ТАДЖИБАЕВА,
«O'zbekiston pochtasi» ОАЖ Бош директорининг биринчи ўринбосари

Онажоним! Бугун сиз ҳақингизда сўз айтмоқни, дил розларимни изҳор этмоқни ният қилдим. Аммо ёзаётганларим уммондан бир томчига ўхшайди. Йиллар ҳукми соя ташлаган оқ оралаган сочингиз, мазмунли умрингизнинг нишонаси бўлмиш юзингиздаги чизиқларга беихтиёр разм соламан. Мана шу самимий сийрат тубида аёлликнинг ибоси, фарзандларга бўлган меҳр таровати, ёшлигингизнинг зеболиги акс этиб туради.

Онамга мактуб

Ёшлигингиз азоб-уқубатларда ўтиб, 17 ёшга кирганингизда бувим вафот этган экан. Тўрт нафар фарзанднинг ёлғиз ёдгори бўлиб қолган шу ёшингизда қаттиқ хасталикка чалинган экансиз. Фарзанд доғида куйган онангиз сизнинг соғайишингиз учун ўлимни бўйнига олиб, касаллик чоғингизда 7 кун атрофингизда айланиб: «Боламнинг ўлимини менга бер», деб Аллоҳга муножот қилибди. Орадан 3 кун ўтиб, сизнинг хасталигингиз чекиниб, бувим бандаликни бажо келтирган экан. Ажабо?! Машҳур шоир ва саркарда Бобур ўзининг севимли ўғли Ҳумоюн учун ўлимни бўйнига олганини билардим. Сизнинг ҳикоянгизни тинглагач, ҳайратим янада ошди. Аллоҳнинг севган бандаси эканлигингизга яна бир бор иймон келтирдим. Сизни дунёдаги энг севимли бека ва садоқатли умр йўлдоши деб биламан. Раҳматли отам Ўрин Эргашев пахтачилик соҳасида катта муваффақиятларга эришиб, элнинг эътиборига сазовор бўлган инсон эди. Ўйлаб қарасам, у кишининг ютуқларига тенг шерик экансиз. Сизнинг падари бузрукворимизни қадрлашингиздан биз, қизларингиз ҳам турмуш ўртоғимизга ҳурмат назари билан қарашни ўрганганмиз.

Меҳрибонгинам! Баъзан дилим ҳаёт қарама-қаршиликлари билан лиммолим тўлганда, кўнгилда хазонрезги хаёллар кезганда, аввало, сиз кўз олдимга келасиз, сизни сўроқлайман. Юрагимдагини достон этмайман. Зеро, буни ўзингиз ҳам хуш кўрмайсиз. Шунга қарамай, қалбим тубига назар ташлаб мени қайтадан ҳаётни севишга, барчага яхшилик қилишга ўргатасиз.

Мунисгинам! Ҳар доим, ҳар қандай вазиятда тўғри йўлга бошловчи, ёруғлик сари чорлагувчи бир куч борлигини сезаман. Бу, биринчидан, руҳиятни иймон сари етаклагувчи туйғу бўлса, иккинчидан, мени ҳар доим балолардан асрагувчи, омад калитини тутқазувчи сизнинг дуоларингиздир. Эсимда, ўқиб юрган кезларим имтиҳондаги осон саволлар доим менга тушарди. Мийиғимда кулиб қўярдим. Дугоналарим менга ҳавас билан боқишарди. Ҳа, онажон! Сийратингизга назар ташлаб, самимият орқасида донишмандлик, камтарлигингизда улуғворлик, сўзларингиз замирида кенгликни кўраман.

Агар аёлларга бекалик учун энг олий унвон бериладиган бўлса, мен ҳеч иккиланмай Сизни тавсия қилган бўлардим. Негаки, хонадонингизнинг ораста лиги, чевар қўлларингиз бунёд этган бежирим либослар, пиширган мазали таомларингиз... Санасам адоғи йўқ.

Ҳа, менинг мунисгина, фарзандлари учун яшовчи онам. Ғам-андуҳ чеҳрангизга ҳеч қачон соя солмасин.

Лобар ЭРГАШЕВА,
Ромитан туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Истиқлол бизга жуда кўплаб неъматлар ҳадя этди. Жумладан, жамиятимизнинг асосий негизи бўлмиш оилага, эртамиз эгалари — фарзандларимизга эътибор кучайтирилди. Зеро, Ўзбекистон келажаги ёшлар салоҳияти, ақл-заковати, куч-қуввати ила равнақ топади. Бундай ёшлар эса оилада шаклланади.

Оила севинчи

6 нафар фарзандим бор. Барчаси танлаган касби бўйича ишламоқда, ўқимоқда. Болаларимнинг ўқиши, юриш-туриши тўғрисида устозлари билан фикрлашиб тураман. Фарзандларимдан бири Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида таҳсил олади. Яқинда ушбу даргоҳдан бир мактуб олдим. Унда ўғлимнинг намунали талабалардан экани айтилиб: «Шундай фарзандни тарбиялаб, вояга етказган Сиз азиз ота-онага факултет раҳбарияти, устоз-мураббийлар номидан ўз миннатдорлигимизни билдирамиз», дейилган эди. Бундай эътирофдан турмуш ўртоғим билан қанчалик қувонганимизни тасвирлаб беролмайман.

Фарзандим эришаётган ҳар бир муваффақиятда, шубҳасиз, устозларининг ҳиссаси катта. Университетда малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича «Устоз-шогирд» анъанаси самарали ташкил этилган. Баркамол авлодни тарбиялаш, уларни етук кадрлар этиб тайёрлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг меҳнатидан биз, ота-оналарнинг кўнглимиз тўқ.

«Ishonch» газетаси орқали ёш авлодга ватанпарварлик ғояларини сингдириб, улардаги эзгу фазилатларни камол топтираётган университетнинг фидойи жамоасига миннатдорлигимни билдираман.

Самад БЕРДИЕВ,
Шаҳрисабз тумани

Сиздан шифо топдим...

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги «Nogironlarni reabilitatsiya qilish va protezlash milliy markazi» ҳам мустақиллик мевасидир. Марказ ногиронларни (ногирон болалар ҳам) реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури асосида минтақавий реабилитация марказларига илмий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатади.

Марказда ички, асаб, таянч-ҳаракат тизимидаги касаллик ва турли жароҳат асоратлари бўлган ногиронлар дардига малҳам бўлиш билан бир қаторда, уларни протез-ортопедия маҳсулотлари, реабилитация техник воситалари билан таъминлайди ва улардан тўғри фойдаланишга ўргатади, таянч-ҳаракат тизими аъзоларини протез-ортопедия маҳсулотларига мослаш мақсадида реконструктив-тиклаш жарроҳлик амалиётларини ўтказади. Айни пайтда ногиронларга ҳуқуқий маслаҳатлар беради.

Бу ерда кўплаб малакали шифокорлар меҳнат қилишади. В.Аманов, С.Ибрагимов, Ҳ.Каримов, У.Хусаинов каби шифокорлар ширинсўзлиги ва хушфеъллиги билан беморлар меҳрини қозонган. Хўжалик ҳисоби бўлимида фаолият кўрсатаётган Ҳамдамбек Каримов ҳам жонкуяр, ишчан шифокорлардан бири. У ТошПМИнинг педиатрия факултетини 2008 йилда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги травматология ва ортопедия илмий текшириш институтида ординатурани 2010 йилда тамомлади. Айни кунда «Nogironlarni reabilitatsiya qilish va protezlash milliy markazi II клиникаси»нинг хўжалик ҳисоби бўлимида умуртқа поғонаси диск чурралари ва суяк-бўғим патологиясини даволаш бўйича ортопед-травмотолог шифокор бўлиб фаолият кўрсатмоқда; «Тизза бўғим жароҳатлар артроскопияси роли» мавзуида илмий изланиш олиб бормоқда.

— Марказингизда қандай касалликлар даволанади, даволаш усуллари ҳақида тўхталсангиз? — суҳбатга тортамиз уни.

— Асосан умуртқа поғонаси диск чурралари, коксоартроз, суяк-бўғим патологияси ва бошқа турли хил жароҳат асоратлари касалликлари даволанади. Шифокорларимиз консерватив ва оператив усулларда даволаш ишларини амалга оширмоқдалар. Консерватив усул, бу — комплекс даво-муолажалари, медикаментоз ва физиотерапевтик муолажалари биргаликда олиб борилади, дегани. Оператив усулда эса умуртқа поғонаси диск чурралари касалликлари микрохирургик жарроҳлик амалиёти усуллари ёрдамида даволанади. Бундан ташқари, чаноқ сон бўғимлари оғир даражали коксоартроз касалликлари сунъий бўғим қўйиш жарроҳлик амалиёти ҳам мавжуд. Тизза-бўғим касалликларини оператив даволашда артроскоп аппаратидан фойдаланамиз. Марказимизга 2010 йил апрел ойида Япония давлати томонидан келтирилган замонавий тиббий техник анжомлар ҳам беморларни даволашда қўл келмоқда...

Ҳамдамбек Каримовдан шифо топганлар кўп. Кўнгли нозик дардига шифо истаб борган беморларнинг «Қўлингиз асло дард кўрмасин», дея миннатдорлик билдириши у учун энг катта мукофот.

Зеваржон ҚЎЧҚОРОВА,
Журналист

Ориям

Гофил бўлма элиг, ухлама, кўз оч,
Сендан кейин қолсин, эзгу уруғ соч!

«Кутадғу билиг»дан

1.

Шермамат ака тез-тез одимлаб хўжалик идорасига келди ва раиснинг хонасига кириб борди.

Раис ҳам унинг авзойи бузуқлигини сезиб, вазиятни юмшатишга ўтди.

— Келинг, Равшанов!

— Иш-иш деб қадр-қимматдан, меҳрдан ажралиб қоляпмиз. Элнинг отаси бўлгандан кейин аввал бева-бечорага, қўл-оёғи қисқаларга қараш керак-да. Мана бу аризани ёзган бева аёлнинг юзига қарай олмай қолдим, уч ўғли ва келинлари, бўйи етган қизлари билан бир ҳовлида яшаётганига тўрт йил бўлди. Ахир ўзбекчилик деган гап бор...

Ўша куни Шермамат ака аёлнинг аризасига раисга имзо қўйдирди ва эртаси ўзи бошқараётган бригада даласининг бир четидан унинг ўғилларига томорқа ўлчаб берди.

Севинчини яширолмаган аёл унинг дуоижонини қилди.

Бундай воқеалар Шермамат аканинг ҳаётида кўп содир бўлган.

Ҳар гал у киши яшаган уй ёнидан ўтганимда ёки зурриёдларини кўрганимда, ўша мард ва одил, қувноқ ва чўрткесар инсон бот-бот кўз ўнгимдан ўтади. Хотирамда турли воқеа ва тафсилотлар жонланади.

— Агар Шермамат тирик бўлганида шийпон хароба ҳолга тушмас, тутзор ва боғлар қаровсиз қолмасди, — дейди афсус билан Ниёз бобо.

Кўз олдимда ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаги воқеалар жонланади...

2.

У одам гўё меҳнат учун яралган эди.

Ойлаб далада қолар, ўн-ўн беш кунда ўғли Ибодулла келиб кийимларини алмаштириб кетарди. Шермамат аканинг эса ўйлагани пахта эди. Ғайрат билан ишга киришиб, боғ барпо қилганди. Ҳатто қаҳратон қишда ҳам омборхонада карсиллаган олмалар, болга тўлган узумлар бўларди.

Шермамат ака элнинг тўй-маъракасини бош-қош бўлиб ўтказарди. Қишлоғимиздаги тўйкураш ва кўпкарилар усиз ўтмасди. Тонггача давом этадиган курашларда Шермамат аканинг «Ҳалоллайсан, полвон!», деган ҳайқириғи янграб турарди. Кўпкариларда «Чавандозники, ҳалол!» деб товуш берганда, эл-улус бир қалқирди.

— Акам Шермамат Равшанов кўп қийинчиликни бошдан ўтказган, — деб хотирлайди укаси, кекса муаллим Ҳасан ака. — Айниқса, қирқ иккинчи йилда хўжалик раиси бўлган отамизнинг фожиали ўлими оиламиз учун оғир жудолик бўлди. Ўшанда акам тўққиз, мен тўрт ёшда эдим. Урушнинг оғир йиллари, рўзғорда нон топишга ярайдиган ҳеч ким йўқ. Акам иккаламиз далада мошоқ терардик, юмронқозиқнинг инини кавлаб дон топардик.

Яна бир жудолик кўланкасини ташлади. Оғир бетобликдан онамиз вафот этди.

Акам иккаламизнинг бир жуфт калишимиз бўларди, калиш менга лойиқ, акамга эса торлик қиларди. Акам эрталаб далага кетар экан, албатта, калишни қўлтиғига қистириб оларди.

Ҳайрон бўлардим. Нега деганда, оёғига сиғмаган калишни қўлтиқлаб юриш кулгили эди-да.

Бир куни кечқурун юрак ютиб акамдан сўрадим. Унинг таъбирича, дўст бошга, ғаним оёққа қарармиш. Равшан раис ўлгач, болалари ялангоёқ юрибди, деган гаплардан қочиш учун шу ишни қилар экан. Йиллар ўтди, машинали ҳам, уй-жойли ҳам бўлдик...

Акам ориятли эди, ҳеч қачон тили қисиқ бўлиб, қимтиниб яшашни ёқтирмасди. Мард ва қайсар, ғурурли йигитларни кўрса қувонар, бўш-баёвларининг эса елкасига қоқиб: «Йигит бўлсанг, ўқдай бўл, ёниб турган чўғдай бўл!» деб далда берарди.

Афсуски, инсон умри абадий эмас. Шермамат акамнинг ўлими нафақат яқинлари, балки жонбўсойликлар учун ҳам оғир йўқотиш бўлди.

3.

Дарвоқе, Шермамат ака илмсевар инсон эди. Болаларини билим олишга ундарди. Улар отасининг ниятини амалга оширишди. Тўнғичи Муродулла анча йил мактаб директори бўлиб ишлади. Елиб-югуриб, қишлоқда замонавий мактаб қурдирди. Муродулла бугун муаллимлик билан бирга фермер хўжалигини бошқармоқда. Ибодулла мактаб директори. Тоҳиржон эса банк ходими, қизлари Шарофат ва Фотима муаллима, Саломат тадбиркор, Ойдин, Зуҳра, Феруза ва Зулайҳо ҳам турли касб эгаларидир. Шермамат аканинг аёли Тошбуви момо қирқдан ортиқ невара-чевараларини ардоғида яшаяпти.

Ҳа, эл-улуснинг хотираси мисоли олтин тарози бўлиб, унда инсоннинг қандай яшаганлиги ўлчанади.

Ҳасан муаллимнинг бир сўзини эсладим:

— Тоҳирнинг ўғли Файзулла худди бобосига ўхшайди...

Ўролбой ҚОБИЛ,
Қамаши тумани

O'KUF FTUU

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: Ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Abdullayev

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 20.30

Buyurtma Г — 211

23314 nusxada bosildi

1 3 4 5